

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚДА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ



**Дилфуза НОРМАМАТОВА**  
катта ўқитувчи  
Гулистон давлат университети  
[dilfuzun@mail.ru](mailto:dilfuzun@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада оғзаки нутқ орқали фикр алмашиш жараёнида асосий элементлар ҳисобланган сўроқ олмошларининг семантикаси ўрганилган. Сўроқ олмошларининг гапдаги позицияси (ўрни) ва асосий вазифаси аниқланган.

### Аннотация

В статье рассматривается семантика вопросительных местоимений, которые также являются основными элементами в процессе обмена мнениями в разговорной речи. Вместе с этим выявляются и определяются позиции вопросительных местоимений и их основная роль в предложении.

### Abstract

The hydronyms are widely used in toponymics. They express the types of water objects. The stream, canal, brooklet, hole, well, pond and other hydronymical terms take part in forming the hydronyms. The article discusses Chimbai hydrotoponyms were studied and analyzed Their peculiarities of using was touched upon from linguistic point of view.

**Калит сўзлар:** сўроқ олмоши, коммуникация, тил, система, ўқитиш.

**Ключевые слова:** вопросительное местоимение, коммуникация, язык, система, изучение.

**Keywords:** interrogative pronoun, communication, language, system, learning.

Синтактик семантикада турли хилда ифодаланиб келувчи воситалардан бири – сўроқ олмошларидир. Олмошлар гуруҳи ичида ўз лексемаларига эга бўлган ушбу сўроқ олмошлари ўзида жуда кенг маънони: нисбийлик, кўрсатиш, ноаниқ, инкор ва жамловчи маъноларини ифодалайди ва уларнинг ҳар бири бошқа вариантлардаги синтаксемалар билан алоқага киришиш учун муайян лексемани талаб қилади. Сўроқ олмошларининг синтактик семантикада маъно ва турлари ҳамда белгиларига кўра қўлланилишини интернационал терминология **интерогативлар** деб номлаган. Сўроқ олмошлари шахсга (*ким?*), предметга (*нима?*), белгига (*қайси? қандай?*), миқдорга (*неча?, қанча?*), вақтга (*қачон?*), мақсад ва сабабга (*нега?, нимага?*) ва ўринга (*қани?*) муносабатни англатади(1).

Инглиз тилида интерогативлар яъни *who, whom, what, why, which, whose* олмошлари синтактик семантикада бир-биридан фарқ қилиб ифодаланишига кўра субстанциал (отлашган) ёки квалификатив синтаксемалар бўлиб келади ва баъзан бошқа томондан нокатегориал белгиларга ҳам эга бўлиши мумкин(4). Ушбу синтаксемлардан, аввало, субстанциал (отлашган) интерогатив олмошларни ифодаловчи *who, what, whom, which* олмошларига тўхтаб ўтамиз: *Who is speaking? Who of us can still remember his name? Who are ready to follow me? Whom did you see? Of whom are you speaking? Whom do you want? What are you talking about? What is it made of? What is his name? What is he? What do you take for me? Which will you take milk or ice-cream? Which of you did that? Which of the two is better? Which of the members were present? Which would you like best?* каби мисоллар субстанциал интерогатив синтаксемалар орасида хилма-хилликка эга бўлган синтаксемалар бўлиб, гапда хабарни, ҳолатни, сифатни, тенгликни ёхуд гапни тўлдиришни ифодалаш каби ўз функцияларига эга.

Интерогатив агентив синтаксема бошқа гапларга кўчганда, маъносини ва ўз позициясини йўқотмайди. Бундай вақтда фақатгина лексемалар ўзгариши мумкин.

Мисол: *Who is speaking? \_\_\_\_ Is John speaking?*

*Whom did you see? \_\_\_\_ Did you see my friend?*

*What are you talking about? \_\_\_\_ Are you talking about the event? Etc.*

Шаклни ўзгартирган гаплар, яъни умумий сўроқ гаплар (махсус сўроқ гаплардан фарқ қилган ҳолда) мос келувчи агентив ёки тўлдирувчили (қаратқичли) синтаксемаларни ифодалабгина қолмай, субстанциаллик категорияларини бошқа олмошлар ёки элементлар билан боғлаш хусусиятига эгадир. Бундай трансформацион-эксперимент (ўзгартириш тажрибаси) орқали тадқиқотчининг интерогатив синтаксемада мавжуд бўлган белгиларни аниқлаб олиши осонлашади.

Интерогатив синтаксемаларни қўллашда ҳам бир оз чегараланиш ҳолати мавжуд, масалан: *Who of us can still remember his name? Which of the two is better?* (қайси биримиз унинг исмини ҳали ҳам эслаймиз? Иккаласидан қайси бири яхшироқ?) берилган бу мисолдаги *of* предлогини гапда чегаралаш билан субстанциал интерогатив синтаксемадан от билан ифодаланган синтаксемаларни бир-биридан фарқлаб олиш мумкин, қиёсланг: *Who can still remember his name?* Ким ҳали ҳам унинг исмини эслай олади? *Can John still remember his name?* Жон ҳали ҳам унинг исмини эслай оладими? *Which is better?* Қайси яхшироқ? *Is this book is better?* Мана бу китоб яхшироқми? Кўрсатилган чегаралаш трансформациясидаги субстанциал интерогативлик таркибида аддитивлик (ўхшашлик, мослик) синтаксемаларини ҳам пайдо

қилиш мумкин ва бу ҳолат эса *else* юкламаси орқали амалга оширилади. *Who else could be? Who else is coming? What else could I do but this?* Бу тафоввут субстанциал интероготивда от билан бевосита боғланиб, отнинг белгиси эканлигини кўрсатади. *Of* предлоги ва *else* юкламаси нисбий субстанциал интероготив *who, whom, what, which, that* синтаксемалари билан доимо сўроқ гапларда фаол иштирок этади.

Тилда ҳар бир субстанциал (отлашган) интероготивликнинг турли вариантлари мавжуд ва улар бир-бири билан турли муносабатга кўра боғланади, шу муносабатга кўра, интероготив объектли ёки воситали тўлдирувчи синтаксемларда баъзан препозитив яъни предлогли боғланиш юзага келиши мумкин:

*Of whom \_\_ Whom ... Of,*

*of whom are you speaking? \_\_ Whom are you speaking of?*

*About what \_\_ what ..... about.*

*About what are you talking? \_\_ What are you talking about?*

*Of what \_\_ what ..... Of.*

*Of what is it made? \_\_ what is made of?*

*For what \_\_ what ..... for.*

*For what do you take me? \_\_ what do you take me for.*

Юқорида биз бир-бирига мос келувчи ва тўлдириб турувчи субстанциал нисбий синтаксемаларни кўрсатиб ўтдик. Бундай ҳолат кўпроқ оғзаки нутқда учрайди. Бундан ташқари, оғзаки нутқда баъзан *whom* олмоши ўрнида *who* олмоши қўлланилиб, кенг маънода препозитивлик маъносини ҳам ўз ичига олади: *Who do you want? Who were you talking to?* Гап *who* ёки *whom* олмошлари ҳақида борганида, албатта, билвосита *What* ёки *which* олмошларининг ҳам бир-бири билан маъно жихатидан ўзгара оладиган коннотатив (маъно англатадиган) вариантлари билан танишиб чиқиб, уларнинг предметларга нисбатан нисбий маъно англатишдаги фарқларини билиш мумкин. Уларнинг кваликатив (сифат) категориясини мисоллар орқали кузатамиз: *What papers do you read? What manner of man is he? What good is it? Which book did you choose? Which boy won the prize? Which is the right road? I'm going with the girls \_\_ which girls?* Яна бир мисол: бунда *what* олмошининг кваликатив birlikдан ташқари квонтатив (миқдор) эга эканлигини оғзаки ва ёзма нутқда учратамиз. *What time is it?* Шундай экан, *what* олмошининг квонтатив синтаксемаси *how much* билан парадигматик эквивалентликка тенг ҳисобланади: *How much time did it take you?*

*What* ва *which* сўроқ олмошларини ҳар томонлама, бошқа синтаксемалар билан боғланишини ўрганишда интероготив синтаксемалар муҳим рол ўйнайди. Ўз ўрнида *who, whose, whom, what, which* олмошлари

эргаш гапларда ҳам ишлатилиб, гапда субстанциал ва квалификативлик вазифаларини бажаради ва бу олмошлар агентив: *Ask him who found this?* – Ундан сўранг буним ким топди? Тенг: *Did he know who I was?* – Мени ким бўлганимни у билладими? *I know what she shall be?* Эгалик: *I wonder whose house is this?* Ҳайронман бу кимнинг уйи? Тўлдирувчи: *He does not know what he wants?* У нимани хоҳлашини билмайди. Миқдор кўрсаткичи: *I'll ask him what he paid?* Ундан қанча тўлаганлигини сўрадим маъноларида қўлланилади. *Which* тўлдирувчи синтаксемани ҳам инфинитивли конструкцияда икки усулда ишлатилишини кўришимиз мумкин. Улар қуйидагича намоён бўлади: *Of these two I don't know which to prefer? Will you advise me which to take?*

Қайси тилда бўлмасин, тил грамматикасининг бош ва иккинчи даражали гап бўлақларини ўрганишда сўроқ олмошлари катта аҳамиятга эга. Фан ва амалиётда ҳам таниқли грамматист олимлар бош ва иккинчи даражала гап бўлақларини бир-бирдан фарқлаш учун сўроқ олмошларидан фойдаланиб, ўз фикрларини баён қилишган. Жумладан, О. Есперсен иккинчи даражали гап бўлаги бўлган тўлдирувчинини ўрганишда қуйидаги талабни илгари суради: “эгани ўрганишда биз *who* ёки *what* олмошларидан фойдаланар эканмиз, *whom* ва *what* сўроғини гапда эга ва феъл учун ҳам ишлатиб давом эттиришимиз мумкин” (Есперсен, 1977). Олим *how*, *why*, *when*, *where* каби сўроққа жавоб берувчи сўзларни ҳол, *whom*, *what* сўроғига жавоб берилувчи сўзларни эса тўлдирувчи деб атайди. Г. Поусма тўлдирувчи ва ҳолни таққослаб (у белгилаган термин бўйича *adverbial adjuncts*) олд кўмакчи билан ифодаланган сўз бирикмаси *to whom*, *to what* ни тўлдирувчига, кейинги саволлар *when?*, *where?*, *why?*, *in what manner?*, *for what purpose?*, *how?*, *how much?* каби сўроқ сўзларни ҳолга ажратади (5, 78).

Сўроқ олмошлари гапдаги вазифасига кўра, сўроқ ва боғловчи олмошларга ажралиб, ҳар иккиси ҳам нисбий олмош бўла олади. Сўроқ олмошлари сўроқ гаплар тузишда иштирок этса, боғловчи сўроқ олмошлари эргашган қўшма гаплар таркибида намоён бўлади. Боғловчи эргаш гапларнинг фарқи шундаки, улар баъзи эргаш гапларда отни ва баъзи эргаш гапларда аниқловчинини тақоза этади. Масалан: *Who goes to the attack?* (сўроқ). *Who goes light travels first?* (*saying*) (боғловчи). *Don't you hate people who have no character?* (нисбий). Ушбу сўроқ олмошларини ўрганиб чиқиш уларни жонли ва жонсиз предметларга нисбатан қай йўсинда қўллашни ўрганишни ҳам талаб этади.

*Who* сўроқ олмоши 3 хил келишиқда қўлланувчи олмош ҳисобланади.

1. Бош келишиқда : *Who?* – Ким?

2. Тушум келишиқда: *Whose ?* – Кимнинг?

## 3. Қаратқич келишигида: Whom? – Кимни ?(2, 73–75).

Нутқ жараёнида баъзан *Whom* сўроқ формаси ўрнига *who* сўроқ олмоши ишлатилади: *Who do you to speak with?, If you come to that, who are you calling sheep?*(R. J. Waller 1993: 71) “*Do you think they got orders?*” asked Betty. “*Yes, exactly who from I don’t know*”. Яна, сўроқ олмошининг тушум келишигидаги *whose* формаси *who* олмоши билан ўрин алмашиб, нисбий олмош шаклида жонсиз предметларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

*Who* (*whoever*) олмошлари фақатгина субстантив олмош сифатида қўлланади. *what* (*whatever*) ва *which* (*whichever*) олмошлари эса ҳам субстантив, ҳам адъектив олмошлар ўрнида қўлланилади. *What makes you think that* (E. Hemingway). *What right have you to say that, sir* (B. Shaw). *Which is better? Which book is better? Which – who* ёки *what* олмошидан фарқ қилиб предмет ёки шахслардан бирини танлаш имконини беради. *Am I to give the waiter anything: or will you do it yourself? Which waiter is it? The English one?. But which is it to be? Fight or make friends?* ( R. Stevenson).

*Who* сўроқ олмоши, одатда, феъл кесим билан бирликда қўлланади. *Who knows it?* Агар гапда бир неча шахслар ҳақида гапирилса, феъл кесим кўпликда ифодаланади: *Who are concerned with it?* (Daily Worker). *What* олмоши бирликда доимо феъл кесим билан ифодаланиб келади.

Ҳар бир сўз таҳлили “саволлар методи” орқали амалга оширилган экан, уларнинг субстанциал ва квалификатив синтаксемаларга бўлиниши умумий ёки нокатегорал белгиларни ҳосил қилади. Гапнинг сўроқ шаклида лексемаларнинг ўзгариши ўрин алмашиш сўроқлари деб аталади ва темпорал, локатив ва бошқа синтактик гапларни аниқлаш учун отлашган ёки нокатегориал белгилар орқали аниқлаб олинади. Синтаксема вариантларининг бир-бири билан боғланиб парадигматик эквивалент ҳосил қилиши тадқиқотчи учун савол туғдирмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, сўроқлар синтаксемаси трансформацияси системали каторда узвий алоқада бўлади(4, 123–288).

Сўроқ трансформацияси ҳақида гапирганда, қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз: *She saw John \_\_\_ Whom did he see?* Сўроқ трансформациясида фақатгини тўлдирувчи синтаксемаси эмас, *see* лексемасининг ўзгаришини ҳам кўрамиз, шунга кўра сўроқ трансформацияси таркибида 2 та интероготив синтаксемлар, яъни субстанциал ва процессуал синтаксемалар иштирокини учратиш мумкин. Процессуал интероготив синтаксема *do* лексемаси ёрдамида ифода этилиб, феълнинг ноаниқ шаклида намоён бўлади *Do(P) ... V1*, яъни умумий сўроқ гапда акс этади: *She saw John* гапини умумий сўроқ гапга айлантириб: *Did she see John?* процессуал интероготив синтаксемасини ҳосил қилиш мумкин.

Сўроқ гаплар трансформациясини тадқиқ этганда, фақат нутқни эмас, тилни, унинг ресурсларини, қайси бўлимга тааллуқли эканлигини ва уларнинг интероготив синтаксемалари эквивалентлик хусусиятларини, сўроқ гапларнинг тилдаги ўрнини ўрганиб борамиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов, Ғ. Шоабдурахмонов Ш., Ҳожиёв А. Ўзбек тили грамматикаси. – Т., 1978. – 560 б.
2. Бўронов Ж., Бўронова М. Инглиз тили грамматикаси. –Т., 1978. – 220 б.
3. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1973. – 70 б.
4. Мухин А. Синтаксемный анализ и проблема уровней языка. – М., 1980. – 302 б.
5. Poutsma H. A Grammar of the English Language. Croningen, 1996
6. Robert James Waller. Slow waltz in gendar bend. – New York, 1993.
7. Ernest Hemingway. Farewell to Arms. – Leningrad, 1971. – 264 p.